

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ТИЛЛЯХОДЖАЕВА ЗУХРАХОН ДЖАХАНГИРОВА

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЕР УСТИ СУВЛАРИНИ
ГИДРОКИМЁВИЙ БАҲОЛАШДАН ФОЙДАЛАНИБ
НОЗОГЕОГРАФИК ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Тилляходжаева Зухраҳон Джахангировна

Тошкент вилояти ер усти сувларини гидрокимёвий баҳолашдан фойдаланиб
нозогеографик ҳолатини таҳлил қилиш.....3

Тилляходжаева Зухраҳон Джахангировна

Анализ нозогеографической ситуации с использованием гидрохимической
оценки поверхностных вод Ташкентской области.....21

Tillyakhodjaeva Zukhrakhon Djahangirovna

Analysis of the nozogeographical situation using the hydrochemical assessment
of surface waters in the Tashkent region.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ТИЛЛЯХОДЖАЕВА ЗУХРАХОН ДЖАХАНГИРОВНА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЕР УСТИ СУВЛАРИНИ
ГИДРОКИМЁВИЙ БАҲОЛАШДАН ФОЙДАЛАНИБ
НОЗОГЕОГРАФИК ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

11.00.03 – Қуруклик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

География фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Gr63 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз -резюме) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.meteo.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мягков Сергей Владимирович

техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Чембарисов Эльмир Исмаилович

география фанлари доктори, профессор

Комилова Нилуфар Қаршибоевна

география фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» «_____» соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли, 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (998)71 2358512, факс: (998)71 2371319; e-mail: nigmi@albatros.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий техник кутубхонасида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли, 1-тор кўчаси, 72. Тел: (998)712358512, факс: (998)712371319).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилган.
(2021 йил «__» _____ даги) _____ рақамли реестр баённомаси).

В.Е. Чуб

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Б.Э. Нишонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Х.Т. Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, г.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сув ресурсларининг тақчиллиги ва ифлосланиши йилдан йилга сезиларли даражада ортиб бормоқда. Мавжуд сув ресурсларининг сифатини сақлаб қолиш ва аҳоли сув таъминотининг хавфсизлиги масалаларига халқаро ташкилотлар томонидан катта эътибор қаратилмоқда: “Мақсад сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, шу жумладан, сув экотизимларини муҳофаза қилиш ва сув билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш, назорат қилиш ва камайтириш орқали инсон саломатлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилишдир”¹. Ифлосланган сувларни маиший-хўжалик мақсадларида ишлатилиши, улардаги моддаларнинг озуқа занжири орқали узатилиши ва унинг инсон соғлиғига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқёсида аҳолини сифатли сув ресурслари билан таъминлаш, сув экотизимлари ҳолатининг мониторинги ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада сувнинг гидрохимёвий таркиби билан боғлиқ бўлган касалликларнинг тарқалиш хавфини камайтириш, дарёларнинг гидрохимёвий режими ва сув сифатини нозогеографик вазиятга боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, сув ресурслари ва сув сифатини баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда экологик вазиятни яхшилаш борасида сув ресурсларидан иқтисодиётнинг турли соҳаларида янада самарали фойдаланиш бўйича тизимли ишлар олиб борилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... коммунал хизматларни тақдим этиш даражасини ошириш, авваламбор, замонавий, иқтисодий ва самарали технологияларни изчил жорий этиш орқали қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, охир-оқибат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш зарурати...”² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада сув сифати билан боғлиқ касалликларнинг тарқалишини аниқлаш, аҳолининг касалланиш хавфини баҳолаш, касалликларнинг тарқалиш ихтимолини башорат қилиш, уларнинг харитасини яратиш, ҳамда уларни олдини олиш чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув ҳавзаларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3956-сон “Экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг одамлар саломатлигига зарарли

¹ Протокол ЕЭК ООН и Европейского Регионального Бюро ВОЗ. www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pdf.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ПФ-4947 сон Фармони.

таъсирининг олдини олиш тўғрисида”ги, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон “Сув ресурсларини бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларни бажарилиши тўғрисида”ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Сув ресурслари ва сув сифатини баҳолаш ва шу асосда уларнинг атроф табиий муҳит ҳамда инсон саломатлигига салбий таъсирини ўрганиш бўйича дунёнинг қатор мамлакатларида тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур муаммо доирасида АҚШнинг California университетиде А.Gershunov, Illinois университетиде M.Sivaralan ва Harvard университетиде V.Nelson, J.Schwartz, M. Sunderland, Буюк Британиянинг Oxford университетиде P.Weis, E.Tillit, J.Hall, Хитойнинг Тайвань университетиде C.Y.Yang, J.F.Chiu, H.F.Chiu каби олимлар ер усти сувларининг сифати ва гидрокимёвий режимининг инсон организмига салбий таъсирида келиб чиқадиган касаликлар билан боғлиқ масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб борганлар.

Собиқ Иттифоқ ва МДҲ мамлакатларида тиббий география соҳасида Э.Л.Ковалева, Б.Б.Прохоров, В.Я.Подольн, Э.И.Игнатъев каби олимларнинг изланишларида тиббий-географик хусусиятлар ва антропоген таъсирга оид маълумотлар асосида тиббий районлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистонда ушбу йўналишда тадқиқотлар Х.Т.Турсунов, И.И.Баришников, Г.А.Мамбеткаримов ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Ҳозирги кунда мазкур масалаларга бағишланган ишлар орасида А.Э.Эргашев, Э.И.Чембарисов, Р.В.Таряникова, Б.Э.Нишонов каби олимларнинг Ўзбекистоннинг ер усти сувларнинг ифлосланиши мониторинг тизимини оптималлаштириш мақсадида ер усти сувларининг экологияси ва сув сифатини таҳлил қилиш усуллари унификациялаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлари ажралиб туради. Р.М.Разаков, А.А.Рафиқов, О.А.Атаниязов, А.С.Салиев, Н.К.Комилова ва И.Р.Турдимамбетов каби олимларнинг илмий ишларида географик муҳит, нозоэкологик вазият ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган аҳоли касалланиши қонуниятлари ёритилган.

Бироқ, юқорида қайд этилган тадқиқотларда, касаллик тарқалиши географик хусусиятларининг ер усти сувларининг гидрокимёвий режимига боғлиқлиги, шунингдек, сув ресурслари гидрокимёвий режимининг аҳоли саломатлигига таъсирини худуд ва вақт бўйича баҳолаш масалалари етарлича

ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот иши аҳоли касалланишига ер усти сувлари гидрокимёвий режими таъсир даражасининг ҳудудий қонуниятларини, ер усти сувларининг асосий кимёвий элементлари концентрацияси билан аҳолининг касалланиши орасидаги боғланишларнинг аниқланганлиги билан юқоридаги тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №КА7-008 “Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларининг мониторинги ва баҳолаш” ва №ВА-ҚХФ-5-022 “Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон Республикасида ер усти ва ер ости сувларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилоятида нозогеографик вазиятни баҳолаш ҳамда қишлоқ аҳолисининг касалланиш хавфини дарё ҳавзаларнинг гидрокимёвий режимига боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент вилоятида аҳолининг касалланиши тўғрисидаги маълумотларни инвентаризациялаш, дастлабки ретроспектив таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

Тошкент вилоятининг Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзаларида ер усти сувларининг гидрокимёвий режимини геоахборот технологиялари ёрдамида баҳолашнинг мавжуд таҳлил усулларини такомиллаштириш;

Тошкент вилояти туманлари бўйича алоҳида туманлар ҳудудидаги сув оқимларининг гидрокимёвий кўрсаткичлар ва аҳолининг касалланиши бўйича маъмурий-ҳудудий маълумотлар базасини яратиш;

ер усти сувларининг гидрокимёвий режими билан қишлоқ аҳолисининг касалланиш хавфи ўртасидаги боғлиқлик эҳтимоллигини регрессия усуллари ёрдамида таҳлил қилиш;

Тошкент вилоятининг маъмурий ҳудудлари бўйича касалланиш хусусиятларини аниқлаш ва геоахборот технологиялари ёрдамида нозогеографик хариталар тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чирчиқ ва Оҳангарон дарё ҳавзаларидаги ер усти сувлари ва Тошкент вилоятининг маъмурий ҳудудларида касалланишнинг миқдорий кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Тошкент вилояти қишлоқ аҳолисининг касалланиш хавфини ер усти сувларининг гидрокимёвий сифат кўрсаткичларига боғлиқлигини баҳолаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда замонавий геоахборот технологиялари, географик умумлаштириш, математик статистика, корреляцион боғланишларни статистик баҳолаш, регрессион таҳлил ҳамда картографик тадқиқот усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти туманлари бўйича аҳоли орасида касалликлар тарқалишининг географик хусусиятлари аниқланган;

аҳоли касалланишига ер усти сувлари гидрокимёвий режими таъсир даражасининг ҳудудий жиҳатлари аниқланган;

Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси ер усти сувларининг асосий кимёвий элементлари концентрацияси ва Тошкент вилояти аҳолисининг касалланиши орасидаги боғланишларнинг регрессия тенгламалари ишлаб чиқилган;

геоахборот технологиялар ёрдамида Тошкент вилоятидаги тиббий-географик ҳолатни тавсифловчи ҳамда касалликларнинг ҳудуд ва вақт бўйича ўзгаришларини акс эттирувчи нозогеографик хариталар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ер усти сувларининг гидрокимёвий ҳолатига таъсир этувчи табиий географик омиллар билан аҳоли касалланиш даражаси орасидаги боғланишлар статистик баҳоланган;

ер усти сувларнинг гидрокимёвий режими баҳоланган, касаллик тарқалишининг географик хусусиятлари аниқланган ва аҳоли касалланиш даражаси бўйича нозогеографик ҳудудларга ажратилган;

Чирчиқ-Оҳангарон дарё ҳавзалари сув оқимларининг гидрокимёвий кўрсаткичлари ва аҳолининг касалланиш даражаси тўғрисида ArcGIS муҳити электрон маълумотлар базасида тезкор қайта ишлашга очиқ кириш имкониятига эга маълумотлар тўпланган ва тизимлаштирилган;

Тошкент вилояти аҳолиси касалланишининг хавфини камайтириш учун илмий асосланган профилактик тадбирлар ишлаб чиқилган;

геоахборот хариталаш тизимида Тошкент вилоятидаги тиббий-географик вазиятни акс эттирувчи нозогеографик хариталар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) ва Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг (ГМИТИ) гидрокимёвий кузатиш маълумотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, тадқиқотда фойдаланилган маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштиришда умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мослиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув истеъмол ҳудудидаги ер усти сувларини гидрокимёвий хусусиятларидан қишлоқ аҳолисининг касалланиш хавфини баҳолаш тизимини моделлаштиришга илмий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ аҳолисининг касалланиш хавфини сув истеъмол ҳудудидаги ер устки сувлари гидрокимёвий режимига боғлиқлигини камайтириш бўйича амалий тадбирларни ишлаб чиқишга асос бўлади ҳамда диссертацияда қўлланилган

услугий ёндошувлар, унинг асосий хулосалари ва умумлаштирилган маълумотлари республикамиз олий таълим тизимининг гигиена ва тиббий экология соҳасига тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида ўқув жараёни сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Тошкент вилоятидаги ер усти сувларнинг гидрокимёвий баҳолашдан фойдаланиб нозогеографик ҳолатни таҳлил қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тошкент вилояти туманлари бўйича аҳоли орасида касалликлар тарқалишининг географик хусусиятлари Соғлиқни сақлаш вазирлигида санитария-эпидемиология назорати амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 012-8/04-4292-сон маълумотномаси). Натижада, Тошкент вилояти дарёларининг юқори, ўрта ва қуйи қисмларида яшайдиган аҳолининг касалланиш хавфи ортиши олдини олиш учун профилактика чораларини ишлаб чиқиш имконини берган;

аҳоли касалланишига ер усти сувлари гидрокимёвий режими таъсир даражасининг ҳудудий қонуниятларини аниқлаш бўйича олинган илмий асосланган хулосалар Соғлиқни сақлаш вазирлигида санитария-эпидемиология назорати амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 012-8/04-4292-сон маълумотномаси). Натижада, Тошкент вилоятининг тиббий-экологик ҳолатини яхшилашга ёрдам берадиган ва муайян ҳудудда содир бўлаётган касалланиш ҳолати ўзгаришини кузатиш самарадорлигини оширишнинг кўшимча имкониятлари яратилган;

Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси ер усти сувларининг асосий кимёвий элементлари концентрацияси ва Тошкент вилояти аҳолисининг касалланиши орасидаги боғланишларнинг регрессия тенгламалари Соғлиқни сақлаш вазирлигида санитария-эпидемиология назорати амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 012-8/04-4292-сон маълумотномаси). Натижада, Тошкент вилояти аҳолиси касалланишнинг хавфини ортишига ер усти сувларининг гидрокимёвий хусусиятларининг таъсирини баҳолаш имконини берган;

геоахборот технологиялар ёрдамида Тошкент вилоятидаги тиббий-географик ҳолатни тавсифловчи ҳамда касалликларнинг ҳудуд ва вақт бўйича ўзгаришларини акс эттирувчи нозогеографик хариталар Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2021 йил 01 июндаги 01-15/617А-сон маълумотномаси). Натижада, гидрокимёвий параметрларни ҳисобга олган ҳолда нозогеографик хариталашнинг таклиф этилган ёндашувлари ер усти сувлари ифлосланишининг мониторинги учун услубий асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нозогеографик тадқиқотларнинг илмий-назарий ва амалий асослари”** номли **биринчи бобида** диссертация тадқиқотлари йўналиши бўйича нашр этилган материаллар, хорижий ва миллий илмий ишлар таҳлиллари келтирилган. Нозогеография (юнонча “nozos” касаллиги ва “география” географияси) - бу тиббий географиянинг инсон касалликларининг географик тарқалишини ўрганадиган бўлими. Касалликлар географиясини ўрганиш XIX асрда бошланган. 1856 йилда “Нозогеография” атамасини Мюри (A. Mury) таклиф қилган. Нозогеографиянинг илмий асослари олимлари Буден (J.Ch.Boudin, 1857) ва А.Хирш (A.Hirsch 1860-1864) томонидан тиббий география бўйича қўлланмалар нашр этилгандан сўнг шакллана бошлади. Узок вақт давомида “нозогеография” атамаси тиббий географиянинг синоними сифатида ишлатилган ва фақат XX асрнинг 60-йиллари бошларида нозогеография тиббий географиянинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиқди. Ушбу ишда нозогеография, сув истеъмоли ҳудудидаги касалланиш даражасининг ер усти сувлари гидрокимёвий таркибига боғлиқлигини таҳлил қилиш ва таққослаш воситаси сифатида ишлатилади.

Аҳоли соғлиғини яхшилаш ва атроф-муҳитнинг ноқулай шароитларини аниқлашга қаратилган ер усти сувларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий ўқув юртларида, жумладан: Сан-Бернадинё номидаги Калифорния университети (АҚШ), Бирмингем университети (Буюк Британия), Канберра университети (Австралия), Техас университети (АҚШ), Гарвард университети (АҚШ), География институти (Буюк Британия), Москва давлат университети (Россия), А.Н.Сысина номи РТФА (Россия) Инсон экологияси ва атроф-муҳит гигиенаси институти, А.А.Богомолов номидаги Миллий тиббиёт университети,

(Украина) ва бошқаларда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон олимлари илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида экологиянинг аҳоли саломатлигига таъсирини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Н.К.Комилованинг “Ўзбекистоннинг тиббий-географик шароити ва соғлиқни сақлаш муаммоларининг ҳудудий таҳлили” илмий ишида соғлиқни сақлашнинг географик муаммолари, касалликлар тарқалишининг ва инсонлар ўлимининг нозогеографик жиҳатлари, тиббий-географик районлаштириш каби масалалар ўрганилган ҳамда Ўзбекистонда аҳолининг касалланишига таъсир қилувчи омиллар кўриб чиқилган.

Урбозекологик тадқиқотлар Х.Т.Турсунов, И.Р.Турдимамбетов, М.О.Ҳамроев ва бошқаларнинг илмий ишларида берилган. И.Р.Турдимамбетов “Қорақалпоғистон Республикасида нозогеографик вазиятни яхшилашнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари” илмий ишида тиббий география ва нозоэкологиянинг илмий-назарий асослари Қорақалпоғистон Республикасида натижаларни амалиётда қўлланилиши билан баён этилган.

Б.Б.Прохоров, Б.А.Ревич, Ч.А.Абдиров, А.Э.Эргашев илмий изланишларида сув ҳавзаларидаги экологик вазиятнинг атроф-муҳитни ифлосланиши билан боғлиқлиги акс эттирилган.

С.В.Мягков, С.И.Климов мақолаларида иқлим ўзгаришининг қайд этилган ўткир ичак касалликлари сонига таъсири масалалари кўриб чиқилган. Бухоро вилоятида ичимлик суви таъминоти учун ишлатиладиган ер ости сувларининг гидрокимёвий кўрсаткичлари ва ошқозон-ичак тизими касалликлари ўртасида боғлиқликлар ўрганилган.

Аҳоли саломатлиги ҳолати ҳамда нашр этилган илмий тадқиқотлар натижалари, аҳоли соғлиғининг ер усти сувлар сифатига, об-ҳаво, иқлим, экологик ва ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқлигини кўрсатади.

Тошкент вилоятида кўплаб саноат корхоналари, шаҳарлар, қишлоқ хўжалиги ерлари, чорвачилик фермалари ва бошқалар жойлашган. Тошкент вилояти катта антропоген босим остида ва бу бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижаларига кўра ҳудуднинг нозогеографик вазиятига таъсир этувчи экологик омилларга кўшимча равишда, атроф-муҳитнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган - сув ресурслари катта аҳамиятга эга.

Тошкент вилоятида ер усти сувларининг бир неча бор қайта ишлатилиши, турли тозаланган ёки тозаланмаган қайтарма сувлар ва саноат оқава сувларининг кўшилиши натижасида ер усти сувларида катта антропоген босим кузатилмоқда. Қайтарма сувлар ва саноат оқава сувларининг Тошкент вилоятининг ер устки сувларига кўшилиши Чирчиқ ва Оҳангарон ҳавзаларидаги ер усти сувлари гидрокимёвий режимининг муқаррар равишда ўзгаришига олиб келмоқда.

Тошкент вилоятида аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш, сув манбалари сифатини назорат қилиш, санитария-гигиена ва экологик хизматлари юқори даражада. Нозогеографик таҳлил ва ер усти сувлари гидрокимёвий режимининг қишлоқ аҳолиси соғлиғига хавфини аниқлаш эса тиббий кузатув тизимини такомиллаштириш имконини беради.


Нозогеографик таҳлилни амалий қўллаш ва ер усти сувларининг кимёвий таркиби ва қишлоқ аҳолиси саломатлиги ўртасидаги мумкин бўлган боғлиқликларни аниқлаш, муайян касалликларнинг тарқалишини кузатиш ва башорат қилиш ҳамда оқибатлар хавфини камайтириш учун профилактика чораларини қўллаш экологик хавфсизлик даражасини оширишга имкон беради. Аниқланган касалликларнинг ўткир даврлари ёки тарқалиш ҳудуди, тиббий статистика маълумотларига асосланиб аҳолининг турли касалланиш даражаси тарқалишини ўрганиш сув режимининг гидрокимёвий хусусиятлар мониторингини ва таҳлилни фазовий кесимда таққослаш турлича фарқ қиладиган кесимлар ёки маъмурий ҳудудларни аниқлашга имкон беради. Ахборот визуализациясини оширадиган кузатув ҳудудларини схематик хариталаш усуллари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар етарли даражада аниқ маълумот олишга имкон яратади.

Н.К. Комилованинг ишларида Ўзбекистонда касалликларнинг тарқалишини ўрганиш учун соғлиқни сақлаш (тиббий – профилактик) муассасаларидаги аҳолининг мурожаатлари йиғмаларидан кенг фойдаланилган.

Аҳолининг касалланиш даражаси – жамият саломатлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Аҳолининг касалланиш даражасини баҳолаш учун касалланиш сонини, аниқланган маълум вақт оралигида рўйхатга олинган аҳолининг умумий сонига нисбати, касалланиш ҳолатини нормага (100, 1000, 10 000, 100 000 кишига) келтиришдаги коэффицентлар орқали ифодаланилади. Ушбу хусусиятлар ўрганилаётган касалликни аҳолининг маълум гуруҳи орасида тарқалиш эҳтимолини (хавфини) акс эттиради. Касаллик динамик кўрсаткич бўлиб, сурункали касалланишдан кескин фарқ қилиши мумкин, аммо қисқа муддатли касалликларда бу фарқ унчалик катта эмас. Қисқа муддатли касалликлар ва сурункали касалликларнинг сабабларини аниқлашда касалланиш даражаси (коэффиценти) энг мақбул ҳисобланади.

Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги уни ўрганиш усулига боғлиқ. Тиббий статистикани таҳлил қилиш қатор кетма-кет босқичларни, шу жумладан, кўрсаткичларни даврий ва ҳудудий таққослаш характеристикаларини ўз ичига олади. Бундай ҳолда, таққослашнинг асосий мақсади деб аҳолини касалланиши бўйича яққол кўзга ташланувчи ҳудудларни аҳолининг тиббий профилактик муассасаларга мурожатларининг статистик ҳисоботлари асосида аниқлаши мумкин.

Нозогеографик хариталарга кўра, дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган туманларда касалланиш сонини кўп эканлиги, дарёнинг ўрта қисмида эса касалланиш сонини камлиги аниқланди. Аммо Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ вилоятида касалланиш кўрсаткичлари сонини кўплиги кузатилмоқда, бу вазият баланд тоғларда яшовчи аҳоли организм учун зарур бўлган кимёвий элементларнинг миқдори камроқ бўлган сув манбаларидан фойдаланиши билан тушинтирилади (1-расм).




1-расм. Тошкент вилоят бўйича 2006-2016 йиллар учун умумий касалланиш нозогеографик харитаси. Гистограммалар сув ҳавзасининг умумий минерализация миқдорини кўрсатади

Диссертациянинг «Тошкент вилоятидаги сув ҳавзалари сифатининг гидрохимёвий кўрсаткичлари» номли иккинчи бобида Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзаларининг сув йиғиш майдони кўриб чиқилган. 2006-2015 кузатув йилларида ўн иккита кимёвий элемент танланган бўлиб улар қуйдагилардир: Ca^{2+} , Mg^{2+} , Na^+ , K^+ , Cl^- , HCO_3^- , SO_4^{2-} , минерализация, ККИ, КБИ, NO_2^- , NH_4^{2+} . Яратилган харитада Тошкент вилоятини ажратилди ва барча ҳудудий туманларини чегаралари аниқланди. Харитада Чирчиқ ва Оҳангарон ҳавзаларидаги барча гидрохимёвий постларни жойлашиши акс эттирилган (постларнинг координаталар паспортига мувофиқ). Сўнгра тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, кузатув йилларда кўпроқ маълумоти бор бўлган гидрохимёвий постлар аниқланди ва ГАТ киритилди. Шунингдек, танланган кимёвий элементлар ер усти сувларининг кимёвий таркибини таққослаш ва таҳлил қилиш ва шу билан бирга ушбу кимёвий элементларнинг етишмаслиги ёки ҳаддан ташқари кўплигининг касаллик турларига таъсири кўриб чиқилди. Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаларининг гидрохимёвий режими билан шу ҳудуддаги яшайдиган аҳолисининг касалланиш сони орасидаги боғлиқлигини ўрганилди ва баҳоланди. Аҳолини касалликларни аниқ фарқини кўриш учун Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаларини шаклланиш зонаси, дарёнинг ўртаси ва қуйи қисмида жойлашган гидрохимёвий постларни танлаб олинди ва зоналаштирилди.

Чирчиқ дарёси сувининг гидрохимёвий таркиби саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги далалари, аҳоли пунктлари оқова сувлари таъсирида шаклланади. Сувнинг ифлосланиши индексига (СИИ) кўра, Чирчиқ дарёси

сувининг сифати турли қисмларида сувларнинг 2- (тоза) ва 3- (ўртача ифлосланган) синфига киради. Дарё ҳавзасидаги ўртача минерализация 317,5 мг/дм³ (0,3 РЭМ- рухсат этилган меъёр) ни ташкил қилади. Гидрокимёвий режимга боғлиқ равишда, сувнинг минерализацияси 130,7 мг/дм³ дан 849,8 мг/дм³ гача ўзгаради. Гидрокимёвий режимнинг барча босқичларида кимёвий таркибига кўра дарё суви сульфат тузлари синфига, натрий ёки кальций гуруҳига киради. Нитрит (NO₂⁻) билан энг кўп ифлосланиш Салар каналининг Янгийўл шаҳридаги қисмига тўғри келади. (2-расм).




2-расм. Чирчиқ дарёси ҳавзаси кузатув пунктларида сувнинг ифлосланиш индекси

Оҳангарон дарёси сувининг кимёвий таркиби асосан Ангрен, Оҳангарон, Олмалик шаҳарлари корхоналари оқава сувлари ва коллектор-дренаж сувлари билан дарёга тушадиган ифлослантирувчи моддалар таъсири остида шаклланади.

Оҳангарон дарё ҳавзаси худудидаги ер усти сувларининг кимёвий таркиби нисбатан барқарор. Анион гуруҳида бошқа таркибий қисмларга нисбатан сульфат ионлари энг юқори концентрацияда кузатилади.

Гидрокимёвий таҳлил Оҳангарон дарёси сувининг ифлосланиш даражасига икки омил - йил давомида дарёдаги сув миқдори ва оқава сувлар ҳажми таъсир кўрсатишини билдиради. Оҳангарон дарёсининг сув сарфи ва дарё сувидаги ифлослантирувчи моддалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаб бўлмайди. Оҳангарон дарёси ҳавзасида сувларнинг органик моддалар билан ифлосланишининг асосий сабаби қишлоқ хўжалик ва маиший-коммунал оқава сувлари ҳисобланади (3-расм).



3-расм. Охангарон дарəsi хавзаси кузатув пунктларида сувнинг ифлосланиш индекси

Диссертациянинг «Тошкент вилоятидаги сув оқимларининг гидрокимёвий режимини кўп омилли регрессия таҳлили» номли учинчи бобда ер усти сувларининг гидрокимёвий ҳолатининг аҳоли касалланишига таъсири кўриб чиқилади. «Чирчиқ ва Охангарон дарё хавзаларини ижтимоий-иқтисодий ва агроиқтисодий тадқиқоти» (В.Г. Приходко, С.А. Нерозин, 2005) томонидан эълон қилинган тадқиқотлар натижалари бўйича «Тошкент вилояти туманларидаги қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳоли деярли бир хил, фақат шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тафовутлар мавжуд», шунинг учун бизнинг тадқиқотимизда ижтимоий-иқтисодий омил кўриб чиқилмайди.

Диссертацияда қишлоқ аҳолиси касалланишининг сув оқимларининг гидрокимёвий режими боғлиқлиги кўпхадлик регрессион тенгламаларда кўриб чиқилган.

Ер усти сувлари билвосита генетик жиҳатдан қишлоқ жойларда булоқ ва қудуқ сувлари ичимлик манбалари бўлган ер ости сувларига боғлиқ ва у аҳоли саломатлигига таъсир қилувчи гидрокимёвий таркибини белгиловчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Маълум элементларнинг ортиқчалиги ёки етишмаслиги инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Сув билан бирга кимёвий элементлар ҳужайра ва ҳужайрадан ташқаридаги суоқликларнинг осматик босимининг доимийлигини, кислота-ишқорий мувозанати, сўрилиши жараёни, қоннинг шаклланиши, суякларнинг шаклланиши, қон ивиши, сув-туз алмашилиш ҳолатини аниқлайди, мушакларнинг қисқариш функциялари, нервларни

ўтказувчанлиги, ҳужайралараро нафас олиш, оксил ҳосил бўлишини ва инсон соғлиғини белгилайдиган бошқа жараёнлар таъминлайди.

Бир вақтда бўладиган регрессия жараён таҳлиллари учун кўп омилли регрессия тенгламаси қуйидаги шаклда ишлатилган:

$$Y = f(\beta, X) + \varepsilon \quad (1)$$

бу ерда $X = X(X_1, X_2, \dots, X_m)$ – мустақил (тушунтирувчи) ўзгарувчилар вектори; β – (аниқланиши зарур бўлган) параметрлар вектори; ε – тасодифий хато (четланиш); Y – боғлиқ (тушунтирувчи) ўзгарувчидир.

Кўпхадли регрессиянинг назарий чизиқли тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 X_1 + \beta_2 X_2 + \dots + \beta_n X_n \quad (2)$$

β_0 – барча тушунтирувчи X_j ўзгарувчилар 0га тенг бўлганда Y ни қийматини белгиловчи озод қиймат.

Кўпхадли регрессия модели стандарт масштабда, барча ўрганилаётган хусусиятларнинг қийматлари стандартга (стандартлаштирилган қийматларга) келтирилган формулага мувофиқ ўгирилиши мумкин:

$$t_j = \frac{\overline{x_{ji}} - \bar{x}_j}{S(x_j)}, \quad (3)$$

бу ерда t_{ji} -ўзгарувчининг қиймати $S(x_j)$ даги x_{ji} нинг i чи кузатуви.

$$t_y = \frac{y_i - \bar{y}}{S(y)} \quad (4)$$

бу ерда t_y -ўзгарувчининг қиймати y_i $S(y)$ даги кузатуви.

Шундай қилиб, ҳар бир стандартлаштирилган ўзгарувчининг мос санок бошиси унинг ўртача қиймати билан мослаштирилади, ўлчов бирлиги сифатида эса S нинг ўртача квадрат четлашиши олинади.

Стандартлаштирилган регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишига эга:

$$y^0 = \sum \alpha_i x_i \quad (5)$$

бу ерда α_i - x_i -кузатувдаги ўзгарувчининг қиймати.

Тошкент вилоятида аҳолининг соғломлик ҳолатига таъсир қилиш мумкин бўлган хавфини баҳолаш учун кўпхадли регрессия тенгламалари ўрганилди, бунда асосий мақсад кўплаб омиллари бўлган моделни қуриш ва ҳар бир омилнинг алоҳида таъсирини ҳамда бу омилларнинг моделлаштирилаётган кўрсаткичга биргаликдаги таъсирини аниқлашдир.

Қишлоқ аҳолисининг умумий касалланиши ва ҳудудда оқётган ер усти сувларидаги кимёвий элементлар концентрациялари - хлоридлар, кальций, магний, гидрокарбонатлар, калий, магний, натрий, сульфатлар ва умумий

минерализация маълумотлари таъсир этувчи омил сифатида фойдаланилди. Ушбу кимёвий элементлар тўплами тиббиёт соҳасидаги эълон қилинган илмий ишларнинг таҳлили асосида аниқланди, унда ушбу элементларнинг ичимлик сувидаги концентрацияси инсон танасининг умумий ҳолатига бевосита таъсири кўрсатиши аниқланган (1-жадвал).

Тошкент вилояти учун кўпҳадли регрессия тенгламаси қуйдагича:

$$Y=7657-4.7*X_1+13*X_2+107*X_3+13.7*X_4+177*X_5+480*X_6-2.67*X_7-92.2*X_8 \quad (6)$$

Тенгламада Y – ҳудудда рўйхатга олинган касалликлар сони, X_1 -умумий минерализация, X_2 -калций, X_3 -хлоридлар, X_4 - гидрокарбонатлар, X_5 -калий, X_6 -магний, X_7 -натрий, X_8 -сульфатлар.

Регрессия тенгламасини стандартлаштирилган шакли қуйидаги кўринишга келтирилди:

$$Y_c = -0.21*X_1+0.11*X_2+0.33*X_3+0.11*X_4+0.24*X_5+1.36*X_6-0.011*X_7-2.19*X_8 \quad (7)$$

Детерминация коэффициенти $R^2=0,38$, яъни боғлиқлик даражаси ўртача.


1-жадвал

Регрессия тенгламасида стандартлаштирилган шаклининг коэффициентлар қиймати ва Тошкент вилояти туманлари учун детерминация коэффициентлари

№	Туман	X_1	X_2	X_3	X_4	X_5	X_6	X_7	X_8	R^2
1	Оққўрғон	-0.13	0.22	0.23	0.11	0.25	1.15	-0.01	-2.03	0.31
2	Оҳангарон	-0.18	0.14	0.34	0.15	0.22	1.18	-0.09	-2.01	0.29
3	Бекобод	-0.33	0.15	0.37	0.10	0.23	1.22	-0.02	-1.33	0.25
4	Бўстонлик	-0.22	0.38	0.29	0.21	0.27	1.44	-0.12	-3.21	0.38
5	Бўка	-0.44	0.15	0.37	0.09	0.19	2.01	-0.09	-0.21	0.34
6	Зангиота	-0.22	0.23	0.27	0.12	0.14	1.27	-0.12	-1.18	0.38
7	Қибрай	-0.38	0.34	0.33	0.14	0.28	0.97	-0.023	-2.11	0.37
8	Паркент	-0.27	0.21	0.32	0.11	0.22	1.24	-0.013	-1.78	0.34
9	Пскент	-0.33	0.21	0.42	0.12	0.21	1.56	-0.14	-2.91	0.37
10	Тошкент	-0.22	0.22	0.37	0.17	0.19	1.37	-0.009	-3.01	0.28
11	Ўрта Чирчиқ	-0.32	0.12	0.36	0.12	0.22	1.33	-0.055	-1.81	0.34
12	Чиноз	-0.43	0.25	0.28	0.11	0.27	1.21	-0.24	-0.11	0.39
13	Юқори Чирчиқ	-0.21	0.19	0.34	0.12	0.25	1.11	-0.12	-3.73	0.37
14	Янгийўл	-0.31	0.27	0.35	0.10	0.23	1.26	-0.078	-2.88	0.29
15	Тошкент вилояти	-0.21	0.11	0.33	0.11	0.24	1.36	-0.011	-2.19	0.38

Алоҳида туманлар учун олинган параметрлар ҳар бир элементнинг умумий таъсирини кўрсатади. Коэффициентларнинг камайиш қийматлари шуни кўрсатадики, натрий, сульфатлар ва умумий минерализация концентрациясининг камайиши касалланиш ортиши хавфини пасайтиради. Бошқа элементларнинг: кальций, хлоридлар, гидрокарбонатлар, калий ва магний концентрациясининг ортиши касалликнинг ортиш хавфини оширади. Албатта, бу тахмин фақат сув оқимларининг умумий ҳолати фонида мавжуд концентрация оралиғида амал қилади.

Диссертациянинг «ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда Тошкент вилоятининг нозогеографик схематик хариталарини яратиш» номли тўртинчи бобда ер усти сувларининг географик ва гидрокимёвий хусусиятларининг касалликларнинг кўпайиш хавфига таъсирини кўрсатувчи нозогеографик хариталар берилган (4-расм).



4-расм. 2012 йил учун Чирчиқ ва Охангарон дарёлари хавзаларидаги қишлоқ аҳолисида қон айланиш касаллигини тарқалиши ҳамда кимёвий элементларнинг тақсимланиши (вектор кўринишида)

Касалликнинг кўпайиш хавфи табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирининг ҳудудий ўзгарувчанлигига ҳам боғлиқ.

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, Чирчиқ ва Охангарон дарёлари оқими бўйича юқори қисмида минерализация паст, дарё хавзасининг ўрта ва қуйи қисмларида умумий минерализация юқори бўлган.

Ер усти сувларининг гидрокимёвий таркиби, гидрологик тармоғи, Тошкент вилоятининг маъмурий бўлиниши ГАТ қатламлари билан тузилган нозогеографик хариталар истеъмол қилинадиган сув таркибидаги кимёвий

элементларнинг ҳаддан ташқари кўплиги ёки етишмаслиги туфайли касалланишга мойиллигини юқори бўлган маъмурий ҳудудларнинг аниқлаш имконини берди.

Бўстонлик туманида инсон соғлиғига керак бўлган кимёвий элементларни истеъмол сувида етишмаслиги оқибатида, касалликларнинг умумий сони бошқа ҳудудларга қараганда анча юқори.

Дарёнинг ўрта қисмидаги Қибрай, Паркент, Юқоричирчиқ туманларида минерализация даражаси ва касалликларнинг умумий кўрсаткичлари пастрок.

Дарёнинг қуйи қисмида, Янгийўл ва Чиноз туманларида сувнинг минерализация юқорилиги ва шунга мос равишда умумий касаллик даражаси ҳам ортиши кузатилади.

Истеъмолдаги сув таркибида кимёвий элементларининг ортиқча ёки етишмаслиги касалланиш хавфини ўсишига олиб келишини таъқидлаш мумкин.

ХУЛОСА

1. Замонавий ГАТ технологиялардан фойдаланган ҳолда доимий равишда нозогеографик мониторингини ўтказиш қишлоқ аҳолисининг касалланиш бўйича тиббий мониторинги тизимини такомиллаштириш ва аниқланган ҳудудларда касалликларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали олиб боришга замин яратади.

2. Тиббий статистика маълумотларига асосланган нозогеографик хариталар таҳлили асосида дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган ҳудудларда, айниқса, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманларида ва Чирчиқ шаҳрининг қуйи қисмида, Қибрай туманида қайд этилган касалликлар сони сезиларли даражада ортганлиги аниқланди.

3. Нозогеографик хариталаш шаҳар аҳолиси дам олиш учун фойдаланадиган Бўстонлик ва Паркент туманларида маҳаллий аҳоли орасида касалликларнинг ортиши хавфи мавжудлигини кўрсатади. Ушбу ҳолат тоғли ва тоғ олди ҳудудларидаги маҳаллий аҳоли фойдаланадиган сувларда саломатлик учун зарур бўлган кимёвий элементларнинг етишмаслиги билан изоҳланади.

4. Гидрокимёвий кузатишлар, гидрологик тармоқ, маъмурий-ҳудудий бўлиниш ГАТ қатламларидан иборат яратилган нозогеографик хариталар ёрдамида таҳлилий материаллар визуаллаштирилди ва улар асосида кўп омилли регрессион таҳлил бажарилди.

5. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзаларида ер усти сув оқимларининг гидрокимёвий режимини таҳлиliga асосан дарёлар узунлиги бўйлаб кимёвий элементларнинг концентрацияси, шу жумладан, умумий минерализациянинг ортиши дарёлар ҳавзаларида сув ресурсларига кучли антропоген таъсир кўрсатилиши билан изоҳланади.

6. Қишлоқ аҳолисини касалланиш хавфи ортишига Тошкент вилоятининг ер усти сувларидаги элементлар – умумий минерализация,

кальций, хлоридлар, гидрокарбонатлар, калий, магний, натрий, сульфатлар
концентрациясининг таъсирини ифодаловчи кўпҳадли регрессия
тенгламалари статистик баҳоланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ТИЛЛЯХОДЖАЕВА ЗУХРАХОН ДЖАХАНГИРОВНА

**АНАЛИЗ НОЗОГЕОГРАФИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ
С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ГИДРОХИМИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ
ПОВЕРХНОСТНЫХ ВОД ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

11.00.03 - Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/Gr63.

Диссертационная работа выполнена в Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте. Автореферат на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-сайте Научного совета (www.meteo.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Мягков Сергей Владимирович
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Чембарисов Эльмир Исмаилович
доктор географических наук, профессор

Камилова Нилуфар Каршибаевна
доктор географических наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский институт инженеров
ирригации и механизации сельского
хозяйства**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: (998) 712358512, факс: (998) 712371319 ; e-mail: nigmi@albatros.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирован за № ____). (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: (998) 712358512, факс: (998) 712371319.)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № __ от _____ 2021 года)

В.Е. Чуб

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.н.

Б.Э. Нишинов

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.т.н.

Х.Т. Эгамбердиев

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.г.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире с каждым годом значительно увеличивается загрязнение и нехватка водных ресурсов. Международные организации уделяют большое внимание поддержанию качества имеющихся водных ресурсов и безопасности водоснабжения населения: «Цель заключается в защите здоровья и благополучия человека путем улучшения управления водными ресурсами, включая защиту водных экосистем, а также путем предотвращения, контроля и сокращения числа заболеваний, связанных с водой»¹. Использование загрязненной воды в бытовых целях, перенос содержащихся в ней веществ по пищевой цепочке и нанесения большого вреда здоровью человека требуют более глубокого изучения гидрохимического режима рек и влияния качества воды на нозогеографическую ситуацию.

В мире особое внимание уделяют исследованиям данного направления, в том числе, научным исследованиям по обеспечению населения водными ресурсами надлежащего качества, мониторингу состояния водных экосистем и проводятся научные исследования по обеспечению экологической безопасности. В связи с этим особое внимание уделяется снижению риска заболеваний связанных с гидрохимическим составом воды, анализу гидрохимического режима рек и качества воды в зависимости от нозогеографической ситуации, оценке водных ресурсов.

В республике в целях улучшения экологической ситуации проводится планомерная работа по более эффективному использованию водных ресурсов в различных отраслях экономики и достигаются определенные научные результаты. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан намечены важные задачи «повышения уровня обеспеченности коммунально-бытовыми услугами, прежде всего улучшения обеспечения населения сельской местности чистой питьевой водой путем последовательного внедрения современных экономичных и эффективных технологий, в конечном итоге направленных на совершенствование системы социальной защиты и охраны здоровья граждан»². В связи с этим важно определить распространенность заболеваний, связанных с качеством воды, оценить риск заболеваний среди населения, прогнозировать вероятность распространения болезней, составить их карту, а также принять меры по их предотвращению.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» от 7 февраля 2017 года и Постановлениями Президента Республики

¹ Протокол Протокол ЕЖ ООН и Европейского Регионального Бюро ВОЗ. www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pdf.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистан ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов» от 25 сентября 2017 года, ПП-3956 «Обеспечения экологической безопасности, улучшения экологической обстановки, предотвращения вредного воздействия отходов на состояние здоровья людей» от 3 октября 2018 года, ПП-4486 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами» от 9 октября 2019 года, ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» от 12 ноября 2020 года и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследованиям в области водных ресурсов и влияния качества вод на здоровье населения уделяется большое внимание в ряде стран мира. В рамках указанной проблемы выполнены ряд исследований учеными Калифорнийского А.Gershunov, Иллинойского M.Sivapalan ва Гарвардского университетов США V.Nelson, J.Schwartz, M. Sunderland, Оксфордского университета Великобритании P.Weis, E.Tillit, J.Hall, Тайваньского университета Китая C.Y.Yang, J.F.Chiu, H.F.Chiu, T.N.Wang, C.H.Lee, Y.C.Ko. В своих исследованиях они уделяют особое внимание вопросам, связанным с заболеваниями, которые могут возникнуть в результате негативного воздействия качества и гидрохимического режима поверхностных вод на организм человека.

В бывшем союзе и СНГ в исследованиях учёных Е.Л.Ковалевой, Б.Б.Прохорова, В.Я.Подольян, Е.И.Игнатьева особое внимание уделено медицинскому районированию на основе данных о медико-географических особенностях и антропогенном воздействии.

В Узбекистане исследования в этом направлении осуществлялись Х.Т.Турсуновым, И.И.Барышниковым, Г.А.Мамбеткаримовым и другими исследователями. В настоящее время среди работ, посвященных данному вопросу, выделяются исследования таких учёных как А.Э.Эргашева, Э.И.Чембарисова, Р.В.Тарянной, Б.Э.Нишонова по экологии поверхностных вод и унификации методов анализа качества воды для оптимизации системы мониторинга загрязнения поверхностных вод Узбекистана. В научных работах Р.М.Разакова, А.А.Рафикова, О.А.Атаниязова, А.С.Салиева, Н.К.Комиловой и И.Р.Турдымамбетова рассматриваются закономерности заболеваемости населения, связанные с географической средой, нозоэкологической ситуацией и социально-экономическими особенностями региона.

Однако, в упомянутых выше исследованиях зависимость географических особенностей распространения болезней

